

## Ислом тарбиялаган улуғлар



19:00 / 08.01.2021 4283

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

عَبَّحْنِ كَصَاقِ نُّمٍ مِّنْهُنَّ فَيَلْعَلَّ لَّ ا اُوْدَهَا اَم اَوْقَدَصُ ل اَجَرَ نِي نْمُؤْمِلًا ن م  
اَلِي دَبَّت اَوْلَدَّب اَم و رَطَات نِي ن م مِّنْهُ م و

**«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Бас, улардан назрига вафо қилгани бор. Улардан интизор бўлиб турганлари бор. Улар бирор нарсани алмаштирмадилар.**

*(Аҳзоб сураси, 23-оят)*

Содиқ саҳобаи киромлар уруш пайтларида орқага чекинмасликка, майдондан қочиб кетмасликка, балки ўз жойида, душман қаршисида собит туришга ваъда берган эдилар. Улар ана шу ваъдаларига содиқ қолдилар. Шунингдек, улардан кейин келган тобеинлар, табаъа тобеинлар, солиҳ

мўминлар Ислом учун жонларини бериш, бу йўлда молу жонларини фидо қилиш борасидаги аҳдларига содиқ қолиб, ўша ваъдаларига вафо қилдилар.

Ислом тарихида ўчмас из қолдирган пахлавонлар болаликдан чиниқиб, чавандозлик, мерганлик, қиличбозлик каби соҳаларни маҳорат билан эгалладилар.

Софийя бинт Абдулмутталиб розияллоҳу анҳо ўғли Зубайр розияллоҳу анҳу от устидан йиқилиб тушса, парво қилмасди.

Фарзандларини ойлаб, йиллаб саҳроларга юбораётганда арабларнинг қалбларини кўрқув еб битирмасди.

Боланинг ўзи Макка водийларида кечаси қўйлар билан қолиши отасининг дилини оғритмасди.

Ўсмир йигитларнинг тижорат, ов мақсадида ўзлари сафарга чиқишлари, баланд тоғларга тирмашишлари, Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу каби арслонлар овига боришлари уларнинг оналарини кўрқувдан ўлдирмасди.

Танаси бақувват инсонлар Ислом динининг руҳий қуввати билан қувватланиб, янада шижоатли бўлдилар. Натижада Холид, Зубайр, Саъд, Али розияллоҳу анҳум каби пахлавонлар етишиб чиқдилар. Улар жангга чиқсалар, кисро ва қайсар каби раҳбарларнинг мулки билан қайтар эдилар.

Мурод II ҳарбий юришларидан бирида Қўстантания яқинида тўхтаб, чодир тикиб, бир неча кун ўша ерда турди. Ана шу чоғларда унинг аёли тонг пайти ўғли Муҳаммадга Қўстантания деворларини кўрсатиб: «Эй Муҳаммад, мана шу деворларни бузиб кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, бу шаҳарни фатҳ қиладиган одам сенсан. Чунки, сенинг исминг Муҳаммаддир» дерди.

Салоҳиддин Айюбийнинг отаси ёшгина ўғлининг кичик болалар билан ўйнаётганини кўрди ва уни улар орасидан шартта олдида баландга кўтарди.

Ота баланд бўйли киши эди. Ўғлини баланд кўтарганча: «Мен онангга гўдаклар билан ўйнаб юрадиган бола туғиши учун уйланмаганман. Онанг ҳам сени кичик болалар билан ўйнашинг учун туғмаган. Мен онангга Масжидул Ақсони озод қиладиган ўғил туғиши учун уйланганман. Онанг

ҳам сени Масжидул Ақсони озод қилишинг учун туққан» деди-да, қўлини қўйиб юборди.

Бола баландликдан ерга йиқилди. Ота ўғлига назар солди ва унинг юзида оғриқ аломатини сизди. Ундан: «Йиқилиш сени оғритдими?» деб сўради. Болакай: «Ҳа, оғритди» деди. Отанинг «Унда нега бақириб, дод солмадинг?» деб берган саволига кичик Салоҳиддин: «Масжидул Ақсони озод қилувчи одамга бақириб, дод солиш ярашмайди» деб жавоб берди.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳиммати сабаб забардаст пахлавонлар етишдилар ва Исломга кўплаб хизматлар қилдилар.

Абдурахмон Носир 21 ёш: у ҳукмронлик қилган давр Андалусия тарихида «олтин давр» деб аталди. Илмий томондан юксалиш даври бўлди.

Муҳаммад Фотиҳ 22 ёш: кўп саҳобаи киромлар, тобеинлар, қўмондонлар фатҳ этишни орзу қилган шаҳарни – Византия пойтахти Қўстантинияни фатҳ этди.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу 17-18 ёш: Румга қарши қуролланган мусулмонлар қўшинига қўмондонлик қилди. Қўшин орасида Абу Бакр розияллоҳу анҳу, Умар розияллоҳу анҳу, Абу Убайда розияллоҳу анҳу, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу каби пешқадам саҳобалар, муҳожир ва ансорлар бор эдилар.

Муҳаммад ибн Қосим 17 ёш: Синд (ҳозирги Покистон)ни фатҳ қилган мусулмонлар қўшинининг қўмондони бўлган. Ўша пайтларда у энг йирик саркардалардан эди.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу: Ислом йўлида биринчи қон тўккан ва Исломда биринчи ўқ отганларида ўспирин йигитлик чоғларида эдилар. Шўро кенгаши аъзоларидан бири эдилар. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Саъд келаётган эди Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мана бу менинг тоғам. Бас, ким менга ўз тоғасини кўрсата олади!»** дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу: 15-16 ёшларида Исломга кирганлар. Шу ёшларида Исломда биринчи бўлиб қилич яланғочлаган киши сифатида танилдилар.

Муоз ибн Амр ва Муавваз ибн Афро розияллоху анҳумолар тахминан 14-15 ёшлар атрофида бўлганларида Бадр ғазотида қатнашиб, Абу Жаҳлни ўлдиришган.

Зайд ибн Собит розияллоху анҳу 13 ёшларида Бадрда қатнашиш учун рухсат сўраганлар, аммо ёшлари кичик деб рухсат берилмаган. Шунда у киши ўқиш-ёзишни билганлари учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ваҳий котиблари, сурёний, иброний тилларини ўрганиб, таржимонлари бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам 18-19 ёшли Аттоб ибн Усайд розияллоху анҳуни Маккага волий қилиб тайинлаганлар.

Холид ибн Валид розияллоху анҳу 100 дан ортиқ ҳарбий юришларда иштирок этиб, қўмондонлик қилиб, шу урушлардан бирортасида енгилмаган эканлар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Холид розияллоху анҳуга «Сайфуллоҳ» («Аллоҳнинг қиличи») деб лақаб бердилар. «Аллоҳнинг қиличи» енгилиб, мағлуб бўлармиди?! У зот Исломдаги улуғ қўмондонлардан бири бўлиб, Шом, Ироқ ва бошқа кўплаб ўлкаларнинг фатҳ этилишида саркардалик қилганлар.

Али розияллоху анҳу кичиклик пайтларидаёқ шижоатларини намоён этгандилар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага йўлга чиқар эканлар, ўрниларига ёш Али розияллоху анҳуни қолдириб кетганлар. Севикли Ҳабибимиз соллаллоху алайҳи васалламни ўлдириш учун пайт пойлаб турган мушриклар у зот алайҳиссаломнинг уйларига кириб, ўрниларида Али розияллоху анҳу ётганларини кўрадилар. Қатл этилишлари эҳтимоли катталигини билсалар ҳам, Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг жойларида ётган эдилар. Кейинчалик Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам билан барча ғазотларда иштирок этиб, фидокорлик кўрсатдилар. Хандақ, Хайбар ва бошқа ғазотлардаги шижоатлари машҳурдир.

Талҳа розияллоху анҳу Уҳуд ғазоти куни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам учун тирик қалқон вазифасини ўтадилар. Ўша куни у кишининг таналарида етмишдан ортиқ жойга қилич, найза ва камон ўқи зарбаси теккан эди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам у кишини юқоридаги оят остига кирувчилардан эканликларини баён қилганлар. Ҳатто бир сафар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Талҳа розияллоху анҳуни “ер юзида юрган шаҳид” деб атаганлар. Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи

васаллам: «**Кимни ер юзида юрган шаҳидга назар солиш хурсанд қилса, Толҳа ибн Убайдуллоҳга назар солсин**», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Буларнинг барчалари Ислом тарбия қилган зотлардир.

Бугун биз Зубайрларни тарбия қиладиган Софийя каби оналарга муҳтожмиз.

Салоҳиддинларни тарбия қиладиган Нуриддин каби оталарга муҳтожмиз.

Аллоҳ таоло биз мусулмонларни ҳам пешқадам уммат қилсин!

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***